

**ЗИЁДОВ Шовосил Юнусович**  
 Имом Бухорий халқаро илмий-  
 тадқиқот маркази директори,  
 тарих фанлари доктори, профессор

## ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ НАШРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

### ИЗДАНИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ЦЕНТРА ИМАМА БУХАРИ И ИХ АКТУАЛЬНОСТЬ

### WORKS PUBLISHED IN THE IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER AND THEIR SIGNIFICANCE TODAY

**Аннотация.** Янги Ўзбекистонда барча соҳалар қатори, диний-маърифий соҳани ҳам ривожлантириши ишлари амалга оширилмоқда. Бунда Ҳукуматимиз томонидан фаолияти йўлга қўйилган алломалар илмий меросини тадқиқ этиши ва уни халқимизга етказишига мўлжалланган халқаро илмий тадқиқотлар марказлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази мана шундай илмий муассасалардан биридир. Унда юртимиздан етишиб чиққан алломалар асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимизга тақдим этилмоқда. Ушбу мақолада Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан нашр этилган асарлар ва уларнинг моҳияти ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** алломалар, илмий мерос, илмий тадқиқот маркази, таржима, муҳаддис, ровийлар, манбалар, ҳадислар, қўлёзмалар, шарҳлар.

**Аннотация.** В Новом Узбекистане, наряду с другими сферами, активно развивается религиозно-просветительская деятельность. Важную роль в этом процессе играют международные научно-исследовательские центры, созданные правительством для изучения научного наследия великих ученых и донесения его до народа. Одним из таких учреждений является Международный научно-исследовательский центр имама Бухари.

В данной статье рассматриваются труды, опубликованные этим центром, и их содержание.

**Ключевые слова:** ученые, научное наследие, научно-исследовательский центр, перевод, мухаддис, повествователи, источники, хадисы, рукописи, комментарии.

**Annotation.** In New Uzbekistan, along with all spheres, work is being carried out to develop the religious and educational sphere. At the same time, the activities of international scientific research centers created by our government, intended to study the scientific heritage of scientists and bring it to our people, are of great importance. One of such scientific institutions is the Imam Bukhari International Scientific Research Center. This article examines the works published by the Imam Bukhari International Scientific Research Center and their essence.

**Keywords:** scientists, scientific heritage, research center, translation, muhaddith, narrators, sources, hadiths, manuscripts, commentaries.

## КИРИШ

Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар қатори, диний – маърифий соҳани ривожлантириш ишлари ҳам амалга оширилди. Бунда юртимизда етишиб чиққан алломаларимизнинг диний қадриятларимизни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асарларини ўзбек тилига таржима қилиш нашр этиш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натижада, кўплаб алломаларимизнинг асарлари она тилимизга ўғирилди ва халқимизга тақдим этилди. Бу борадаги ишлар 2016 йилдан эътиборан янги боскичга кўтарилди. Бунда Ҳукуматимиз томонидан янгидан ташкил этилган ва алломаларимиз илмий меросини тадқиқ этишга ихтисослашган илмий-тадқиқот марказларининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур марказлар фаолияти натижасида ҳозирги кунга қадар диний-маърифий соҳа ривожига хизмат қилувчи кўплаб асарлар нашр этилди, алломаларимиз асарлари ўзбек тилига ўғирилиб, китобхонларга тақдим этилди.

Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази мана шундай муассасалардан бири бўлиб, унинг асосий вазифаси Имом Бухорий ва юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросини ўрганиш ва уни кенг халқ оммасига етказишдан иборатдир. Марказ ташкил этилган кундан то шу кунга қадар бу ерда саксонга яқин

турли мавзуларга бағишланган китоблар нашр этилди. Уларнинг аксарияти Имом Бухорий ва юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросига бағишланган бўлиб, уларда Қуръон оятлари ва ҳадислар шарҳи, турли ақидавий масалалар, адашган тоифаларнинг ботил ғояларига қарши раддиялар, шунингдек, исломда турли иллатлар муолажаси каби масалалар ёритилган. Сўнгги йилларда Марказ томонидан нашр этилган китоблар ўзининг халқчиллиги ва турли мавзуларни қамраб олганлиги ҳамда билан алоҳида аҳамиятга моликдир.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимиздан етишиб чиққан алломалар орасида Имом Мотуридий ўзига хос ўринга эга. Аллома ўз даврида исломда адолат ва мўътадиллик асосларини мустаҳкамлаш, бўлиниш ва фитналарнинг олдини олиш, умматни илм ва одоб негизида жипслаштириш йўлида катта ишларни амалга оширган. Замондошлари ҳам, ундан кейинги уламолар ҳам аллома асарларининг аҳамиятини, ўзининг эса нечоғлик юксак даража соҳиби бўлганини эътироф этган. Имом Мотуридийнинг бой илмий мероси инсонларнинг тўғри йўлда бўлишига хизмат қиладиган, турли адашишларнинг олдини оладиган дастуруламал бўлиб хизмат қилган. Имом Мотуридийнинг бугунги кунгача етиб келган асарларидан энг машхури, шубҳасиз, “Таъвилот ал-Қуръон”дир. Ушбу асар мотуридийлик таълимотининг асосий манбаси бўлиб, унда аҳли сунна вал жамоанинг бутун ақидаси ўз ифодасини топган.

Аллома асарларини халқимизга етказиш, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 11 январь куни Марказга ташрифи давомида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида алломанинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари таржимаси амалга оширилди. Мазкур китобда Қуръони каримнинг Фотиҳа сураси ва

30-жузининг таржимаси ва тафсири ўрин олди. Таржимада Имом Мотуридий қарашларини имкон қадар енгил, тушуниш осон бўлган услубда баён этилган.

Бундан ташқари, мотуридийшунос олимлар Доктор Аҳмад Саъд Даманхурий, профессор

Юсуф Шавқий Явуз, доктор Ҳамза Бакрий ва бошқа кўплаб уламолар тавсиясига асосан Бекир Тўпал ўғли ва Аҳмад Вонли ўғли таҳқиқи остида нашр этилган нусха таржиманинг асосий манбаси қилиб олинди. Имом Мотуридий “Таъвилот ал-Қуръон” асарида ўз фикрларига далил – ҳужжат учун келтирган барча оят ва ҳадислар манбалари ҳошияда кўрсатиб ўтилди [4:5-7]. Ушбу таржима Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан амалга оширилган муҳим лойиҳалардан бири бўлди.

Марказда Имом Бухорий илмий меросини ўрганиш ва уни халқимизга етказиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Кўп жилдлик “Саҳиҳи Бухорий шарҳи” китоби ҳам ана шундай ишлар самарасидир. Ушбу нашр “Саҳиҳи Бухорий” номи билан шуҳрат қозонган “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) китобининг илмий-изоҳли шарҳ ва тадқиқотига бағишланган бўлиб, унда асарда келтирилган ҳадислар мотуридий ақидаси ва ҳанафий мазҳабига кўра изоҳланди. Ҳадисларни нотўғри тушунган турли оқим ва тоифаларнинг фикр ва қарашларига раддия берилди. Шунингдек, “Саҳиҳи Бухорий”да келтирилган ҳадис ва ривоятларни тўғри тушуниш ва талқин қилиш услублари, уларнинг ровийлари ҳамда асарга ёзилган шарҳлар ҳақида илмий маълумот берилди. Ушбу кўп жилдлик китобнинг биринчи қисмида 1-7 ҳадислар баён қилинган бўлса [9:2], иккинчи жилдида эса 8-58 ҳадислар изоҳланган [10:2]. Учинчи жилдда эса, 59-ҳадисдан 247-ҳадисгача, жами жами 189 та ҳадис шарҳланган бўлиб, “Саҳиҳи Бухорий”нинг “Илм китоби” ва “Таҳорат китоби” тўлиқ қамраб олинган [11:2-3]. Ушбу кўп жилдлик китобнинг нашр этилиши, Имом Бухорий меросини халқимизга етказишда муҳим аҳамият касб этди.

Ота-онага яхшилик қилиш инсоният тарихидаги энг асосий масалалардан бири саналади. Шунинг учун ҳадисларга оид барча адабиётларда бу мавзуга атаб алоҳида боблар ажратилган ёхуд алоҳида асарлар ёзилган. Ушбу мавзуда алоҳида китоб ёзган алломалардан бири Имом Бухорийдир. У ота-онага яхшилик қилиш мавзусидаги ҳадисларни саралаб, “Биррул волидайн” номли кичик рисола ёзган.

Ушбу асарда амалларнинг афзали – ота-онага яхшилик қилиш экани, ота-онанинг фарзанди ҳаққига қилган дуоси мустажоб бўлиши ва силаи раҳм фазилати каби мавзуларга оид 75 та ҳадис жамланган. Асарда нақл қилинган ҳадислар саҳиҳ ёки ҳасан даражасида бўлиб, ундаги ҳадислардан аксариятининг санади Пайғамбаримиз (с.а.в)га қадар етиб боради. Китобда 2 та мавқуф (саҳобийга нисбат берилган) ва 7 та мақтуъ (тобеин ёки ундан кейингиларга нисбат берилган) ҳадис киритилган.

Ушбу асар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими Алоуддин Ҳофий томонидан таржима қилиниб нашрга тайёрланди. Маълумки, мазкур рисолани алломанинг шогирди Ибн Диллуях ривоят қилган. Шунинг учун бир неча аср давомида бу асар Ибн Диллуяхдан нақл ўлароқ машхур бўлган. Ишнинг янада сифатли бўлиши учун матн бошқа нусхалар билан бирга қиёсий ўрганилди, эҳтиёж туғилганда айрим тузатишлар киритилди. Таржимада Имом Бухорийнинг таржимаи ҳоли, “Биррул волидайн” асарининг ўзи ҳақида ҳам сўз юритилди, ровий Ибн Диллуяхнинг қисқача таржимаи ҳоли ҳам баён қилинди.

Бундан ташқари, нашрда “Биррул волидайн”нинг нусхалари, асарнинг қанчалар ишончли экани ва ровийлари ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Шунингдек, икки саҳиҳ тўпلامда келмаганларининг даражаси баён қилинди керакли жойларда изоҳ берилди [8:3-5].

Имом Бухорий илмий меросини ўрганишда Али ибн Ҳижозий ибн Муҳаммад Баюмий қаламига мансуб “Сулосиётул Бухорий” асари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу асарда келган ҳадисларда ростгўйлик, ибодат, ўзаро муомала, кишилар орасини ислоҳ қилиш, раҳбарга итоат, меҳр-оқибат, таом тарқатиш ва таомланиш одоби каби масалалар ўз ифодасини топган. Мазкур асар ҳам Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан таржима қилинди ва нашрга тайёрланди. Таржимага “Сулосиёт Бухорий” қўлёзмасида келтирилмаган, аммо “Саҳихул Бухорий”да мавжуд бўлган сулосий ҳадислар ҳам киритилди. Бундан ташқари, таржимада

изоҳталаб бўлган ҳадислар шарҳланди ва ҳар бир ҳадисдан олинadиган фикҳий тушунчалар, шунингдек, санадаги ровийлар тўғрисида ҳам қисқача маълумот берилди. Китоб ўзига хос услубда таржима қилинган бўлиб, дастлаб ҳадисларнинг арабча матни, ундан сўнг ўзбек тилидаги маъноси келтирилди. Охирида эса ҳадислардан олинadиган фойдалар ҳақида сўз юритилди [5:2].

Имом Бухорий нафақат муҳаддис олим, балки ровийлар тарихини ўрганиш бўйича ҳам илк қадамларни ташлаган алломадир. У бу борада бир неча асар ёзиб, келажак авлодларга бебаҳо илмий мерос қолдирган. Алломанинг “ат-Тарихус сағир” (“Кичик тарих”) асари шулар жумласидандир. Бу асар асрлар оша ровийлар тарихини ўрганишда энг муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Китоб аллома қаламига мансуб “ат-Тарихул кабир” (“Катта тарих”) асарининг бевосита давоми бўлиб, улардан ҳар бирининг афзал жиҳатлари бор. Хусусан, “ат-Тарихул кабир”даги ровийлар алифбо тартиби билан берилган бўлса, “ат-Тарихус сағир” саналар бўйича, яъни ҳадис ровийларининг вафот этган йилларига кўра тартибланган. Китобнинг ўзига хос аҳамияти шундан иборатки, унда муаллиф асосан ровийнинг вафот этган санасини келтириш билан қифояланган. Фақат ҳадис илмига оид шахсларнигина тарихини баён қилган [1:3,9-10].

Мазкур асар ҳам Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан таржима қилиниб, нашрга тайёрланди. Асар 42 бобдан иборат бўлиб, 2997 нафар ҳадис ривоят қилувчилар ҳақида маълумот беради. Унда ўқувчига тушуниш осон бўлиши учун 305 та изоҳ ва шарҳ, 145 та тушунтириш ёзилди, 150 га яқин географик жой номлари берилди [1:2]. Амалга оширилган бундай ишлар нафақат кенг халқ оммаси учун, балки ҳадис илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу даврда Имом Бухорий ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган асарлар нашр этиш ишлари ҳам амалга оширилди. 2019 йилда Марказ илмий ходимлари томонидан тайёрланган “Имом Бухорий таърифи” номли

рисоланинг нашр этилиши фикримизнинг исботидир. Мазкур рисолада аллома ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида кенг маълумотлар берилди. Муҳаддис ҳақидаги барча маълумотлар жамланиб, бирламчи манбалар асосида тўлдирилди. Имом Бухорий ҳаёти ва илмий ижоди ёритилган юзга яқин маҳаллий ва хорижий адабиётлардан фойдаланилди.

“Имом Бухорий таърифи” рисоласини тайёрлашда аллома ҳаёти ва ижоди, насл-насаби ва гўзал фазилатлари, устоз-шогирдлари ва ёзган асарлари, бошқа олимлар томонидан муҳаддис ҳақида билдирилган фикр ва эътирофлар, нодир асарларининг қўлёзма нусхалари, уларнинг сақланиши ҳамда қисқача каталоги ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратилди. Бундан ташқари, аллома қўлёзма асарлари нусхаларидан намуналар, унинг асарлари ва илмий меросини ўрганиш юзасидан қилинаётган ишлар, шунингдек, “Саҳиҳул Бухорий” асарига ёзилган шарҳлар ва уларнинг қисқача таърифи ҳақида ҳам кенг маълумот берилди [6:5].

Маълумки, Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси даврлар оша ўз кадру қийматини йўқотмай келмоқда. Аллома таржимаи ҳоли ва фазилатлари ҳақидаги энг муҳим ва ишончли манбалардан бири Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ Бухорий қаламига мансуб “Шамоили Бухорий” рисоласидир. Наҳвшунос (тилшунос) олим Абу Жаъфар алломанинг энг яқин шогирди, котиби, ходими ва асарларининг сақловчиси бўлган. Имом Бухорий вафот этганидан сўнг унинг сийрати ва фазилатларини ёзишга катта эътибор берилган. Алломанинг ишончли шогирди ва котиби Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ Бухорий ўз устозининг таржимаи ҳолига бағишлаб катта рисола ёзган. Бу асар Имом Бухорийнинг таржимаи ҳоли, фазилатлари, улуғ амаллари ва сифатларини ўрганишда муҳим манбага айланган. Унда келтирилган хабарлар ишончилиги ва катта аҳамиятга эга бўлгани учун уламолар бу рисола ривоят қилишга катта эътибор берган ва нусхалари эса кенг тарқалган.

Мазкур рисола ҳам Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан таржима қилинди ва нашрга тайёрланди [3:3-4].

Юқорида берилган асарлардан ташқари, Мовароуннаҳр ҳудудидан етишиб чиққан алломалар илмий меросини ўрганиш ва асарларини нашр этиш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди. VIII аср иккинчи ярми ва IX аср бошларида яшаб ўтган Абдулҳамид Кеший ана шундай алломалардан биридир. Аллома Кеш ҳадис ва фикҳ мактаби асосчиларидан биридир. Абдулҳамид Кеший Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан уламоларнинг пешқадамлари бири бўлиб, асарлари ўзидан кейин келган олимлар учун асос вазифасини ўтаган. Алломанинг ҳадис илмига оид “Муснади Кеший” асари нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун дунё ҳадис илми тараққиётида катта аҳамиятга эга асар бўлиб, барча муҳаддис ва ровийлар ундан кенг фойдаланган.

Мазкур асар ҳам Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан ўзбек тилига ўғирилди ва нашрга тайёрланди. Унда ибодатга оид намоз, рўза, ҳаж, жамият ва инсонлар ўртасидаги муносабатларга оид садақа, савдо, ижара, шартнома, ижтимоий ахлоққа оид чиройли хулқ, яхши амал, ширинсўзлик, охират масалаларига оид жаннат ва дўзах ҳамда уларнинг сифатлари, савол-жавоб масалаларини қамраб олган ҳадислар тўпланган. Айниқса, бугунги кунда долзарб бўлган оила ва никоҳ ҳақидаги кўпгина ҳадисларни кўриш мумкин. Таржимада ҳар бир мавзу бўйича 1 тадан 200 тагача ҳадис жамланди. Улар мазмун, маъно, ҳукм ва йўналишларига қараб тартибланган ҳамда 33 та мавзунини қамраб олган. Уларда имон, тавҳид, тақдир, Қуръони карим фазилатлари, илмнинг аҳамияти, зулмдан йироқ бўлиш, таомланиш одоби, кийиниш маданияти, одоб-ахлоқ, фазилатли ишлар, беморни зиёрат қилиш ва табобат, фитналар ва деҳқончилик ҳақидаги ҳадислар жамланган [2]. Ушбу таржима аждодлар меросини ўрганиш йўлида амалга оширилган катта ишлардан бири бўлди. Мазкур асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва халқимизга тақдим этилиши “Саҳиҳул Бухорий”, “Сунани Термизий” ва “Сунани Доримий” асарлари таржимаси сингари муҳим воқеа бўлди.

Марказда Имом Бухорий қаламига мансуб бошқа асарларини ҳам халқимизга етказиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Хусусан,

яқинда таржима қилиниб, нашрга тайёрланган “Халку афъолил ибод” ва “Китобуз зуафо ас-сағир” асарлари бу борада амалга оширилаётган ишларнинг мантикий давоми бўлди.

Мухаддислар султони – Имом Бухорийнинг ислом оламида машҳур бўлган “Халку афъолил ибод” (Бандаларнинг амалларини Аллоҳ яратиши) асари аллома яшаган даврда ислом таълимотини бузиб талкин қилган бидъатчи оқимларнинг даъволарига қарши ёзилган қатъий илмий раддиялардан иборатдир. Бу борада айрим мисолларни келтириш ўринлидир. Масалан, қадарийлар бандаларнинг амалларини Аллоҳ таоло эмас, балки уларнинг ўзлари яратади, деган нотўғри эътиқодни илгари сурган. Имом Бухорий ва бошқа уламолар мусулмонларни бундай хато тушунчадан ҳимоя қилиш мақсадида уларга илмий раддиялар берган. Асарнинг номи ҳам шундан келиб чиққан.

Муаллиф “Халку афъолил ибод” китобини умри охирига қолганда – 870 йилда ёзган. Унда Қуръон оятлари, ҳадиси шарифлар ва уламоларнинг сўзларидан мазкур масала (бандаларнинг амалларини Аллоҳ яратиши) бўйича аниқ далиллар келтирилган. Китобга жами 628 ҳадис киритилган. Ўқувчига осон ва тушунарли бўлиши учун таржима чоғида 257 та изоҳ ва шарҳ, 248 та англатма ёзилган.

Иккинчи китоб алломанинг “Китобуз зуафо ас-сағир” (“Заиф ровийлар ҳақида кичик китоб”) асаридир. Маълумки, ҳадисларни саралаб, ишончлисини тўплаш ниҳоятда машаққатли иш бўлиб, бу муҳаддисдан ровийлар тарихи, шахси ва сифатларини чуқур билишни талаб қилади. Ҳадис саҳиҳлиги санадаги ровийнинг ишончли ва омонатдорлигини аниқлашга боғлиқдир. Имом Бухорийнинг “Китобуз зуафо ас-сағир” асари худди мана шу масалага бағишланган бўлиб, у даражаси заиф деб топилган ровийларни аниқлаш, умматни бундай ҳадислардан ҳукм олишдан асраш мақсадида ёзилган илк асардир. Ушбу китоб ҳадис илми билан шуғулланадиган тор доирадаги мутахассисларга мўлжалланган. Аллома асарнинг ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун алифбо тартибида ёзган. Энг охирида эса “Қуниятлар” бобини ҳам қўшган бўлиб, бундан кўзланган мақсад санада исми номаълум,

фақат қуният (Абу Фулон номи) билан зикр қилинган ровий шахсини очиқлаб беришдан иборат эди. Асарнинг ушбу таржима қилинган нусхасида 418 нафар ровий ҳақида маълумот баён қилинган.

Марказда алломалар илмий меросини ўрганиш, таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш ишларидан ташқари, “Имом Бухорий сабоқлари” номли илмий-оммабоп журнаlining нашр этилиши йўлга қўйилган. Бир йилда тўрт маротаба чоп этиладиган журналда соҳада олиб борилаётган тадқиқот натижалари омма эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Унда Ватанимиз тарихи, аجدодлар илмий мероси, нодир манбалар, ислом ва ҳозирги замон, ижтимоий институт, фалсафий мушоҳадалар, ёшлар келажагимиз ва маънавий таҳдидларга қарши кураш номли рукнларда мақолалар нашр этиш йўлга қўйилган. Мазкур журнал диний-маърифий соҳада тадқиқот олиб бораётган изланувчиларга минбар вазифасини ўтамоқда. Умуман олиб қараганда Марказ ташкил этилган кундан то шу кунга қадар ушбу илмий муассаса томонидан Имом Бухорий, Имом Доримий, Абу Лайс Самарқандий каби буюк алломаларимизнинг 40 номдаги ноёб асарлари ўзбек тилига таржима қилинди, 79 номдаги халқчил рисола, китоб ва монографиялар тайёрланди. “Имом Бухорий сабоқлари” журнаlining 30 та даврий, 1 та махсус сони нашр қилинди [7].

## ХУЛОСА

Хулоса қилганда, мустақиллик йилларида, айниқса, 2016 йилдан эътиборан мамлакатимизда юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бунда юртимиздан етишиб чиққан алломалар фаолиятини ўрганишга ихтисослашган илмий-тадқиқот марказлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази мана шундай марказлардан бирига айланди. Унда “Саҳиҳул Бухорий”, “ат-Тарихус сағир”, “Биррул волидайн” ва бошқа шунга ўхшаш турли номдаги асарлар таржима қилинди ва нашрга тайёрланди.

Марказ томонидан нашр қилинган асарларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Имом Бухорий асарлари ва унга ёзилган шарҳлар таржимаси киритилса, иккинчи гуруҳга эса диний маърифий соҳага алоқадор мавзуларни камраб олган китобларни киритиш мумкин. Асарлар таржимасида асосий эътибор унинг мазмун моҳиятига зарар етказмаслик ва одамларга тушунарли тарзда баён қилишга қаратилди. Ҳозирги кунда ҳам ислом маърифати ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, халқимизга етказиш ва халқаро илмий доираларда кенг тарғиб қилиш бўйича ишлар тизимли тарзда давом этирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда диний-маърифий соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ат-Тарихус сағир. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2023.
2. Абд Ибн Ҳумайд Кеший. Муснади Кеший / Таржимонлар гуруҳи. 1,2,3 жузлар. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашриёти, 2022.
3. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ Бухорий. Шамоили Бухорий. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашриёти, 2023.
4. Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. 30-жуз. Таржимонлар: Алоуддин Ҳофий ва бошқалар. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашриёти, 2021.
5. Али ибн Ҳижозий ибн Муҳаммад Баюмий. Сулосиётул Бухорий. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Шуқурилло Умаров ва Нодир Қобилов. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021.
6. Имом Бухорий таърифи. Нашрга тайёрловчилар О.Юсупов, О.Муҳаммадиев, Б.Амонов, Қ.Маҳмудов, Ҳ.Расулов, О.Джураев, С.Примов, И.Даурбекова, О.Неъматов, Н.Қобилов. Масъул муҳаррирлар Ш.Зиёдов, Д.Раҳимжонов. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019.
7. Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг 2017-2024 йилларда нашр этилган китоблари ҳақида маълумот (Китоблар проспекти).
8. Имом Бухорий. Биррул волидайн. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Ҳофий. – Тошкент: Био-фактор пресс, 2024.
9. Саҳиҳи Бухорий шарҳи. I жуз. Таржимон ва изоҳлар муаллифлари: Ҳ.Абиев, Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Б.Абдуллаев. – Тошкент: Ҳилол-Нашр, 2023.
10. Саҳиҳи Бухорий шарҳи. II жуз. Таржимон ва изоҳлар муаллифлари: Ҳ.Абиев, Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Б.Абдуллаев. – Тошкент: Ҳилол-Нашр, 2023.
11. Саҳиҳи Бухорий шарҳи. III жуз. Таржимон ва изоҳлар муаллифлари: Масъудхон Исмоилов, Ҳамидулла Аминов, Абдушукуржон Мурадов, Ботиржон Абдуллаев. – Тошкент: Ҳилол-Нашр, 2024.